

Ishonch

2018 йил 30 июнь • шанба • № 77 (4050)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ёшлар, азиз ўғил-қизларим!
Сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни мамлакатимизда биринчи марта нишонланаётган кутлуг айём – Ёшлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод етказаман.

Мана шундай қувончли кунда, аввало, юртимизда кейинги пайтда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилгани, ўғил-қизларимизнинг ижтимоий фаоллиги, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини, замонавий, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишда навқирон авлоднинг муносиб иштироки эътиборини барчамиз миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўйбга чиқариш биз олиб бораётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши бўлиб, бу йўлда улкан ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум, албатта.

Ўтган бир йилнинг ўзida ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган 20 дан зиёд қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

Айниқса, сизларнинг ташаббусингиз

билан бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани ёшларимиз, бутун эл-юртимиз ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди.

Албатта, бир йил – тарих учун жуда қисқа фурсат. Шунга қарамадан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўтган қисқа даврда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш йўлида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қилганидаги муҳим ижтимоий тузилмага айланди.

Шу асосда ёш авлоднинггражданилик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга киришга оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланиб бормоқда.

Бунинг амалий тасдиғини кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Хусусан, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш тал-

биркорларга, айниқса, қизларимизга хунармандлик билан шуғулланишлари учун кредитлар ажратиш, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш, фермерликни қўллаб-қувватлаш, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, уларни соғломлаштириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим кадамлар қўйилмоқда.

Фақат бир йил давомида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тавсияси билан 4 минг 300 га яқин йигит-қизларимизга банклар томонидан 216 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилгани, 184 минг 300 дан зиёд фарзандларимиз иш билан таъминлангани эътиборга лойик.

Мамлакатимизда марказий ва маҳаллий ҳокимлик идоралари, депутатлар корпуси, суд-ҳуқуқ соҳаси раҳбарларининг ёшлар билан очик мулоқотлар олиб бориши ижобий анъанага айланиб бормоқда. Бундай мулоқот ва учрашувларда ёшларни қийнаётган кўпгина муаммолар жойида хал этилмоқда, уларга амалий ёрдам, малакали маслаҳат ва йўлланмалар берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикр қилишган, ҳар

қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмакдамыз.

Бу борада ёш, истиқболли кадрлар учун тажриба ва маҳорат мактабини ўтаётган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи сафларида тобланган, замонавий билим ва кўникмага, етакчилик салоҳиятига эга бўлган кўплаб ёшлар вазирилик ва идоралар, йирик компания ва банклар, хўжалик бирлашмаларига масъул лавозимларга тайинланаётгани ҳаётимизга янги ҳаёт руҳ ва мазмун бағишламоқда.

Бугунги кунда Ҳаракатлар стратегияси доирасида «Ёшлар – келажак бунёдкори», «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ақлли шахар» каби кенг қамровли дастурларни амалга оширишда айнан ана шундай ташаббускор, ҳар бир масалага янги ҳаёт бағишлаган ўғил-қизларимиз фаол иштирок этаётгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизни хурсанд қилади.

Ишонаман, бундай улкан бунёдкорлик жараёнлари ёшларимиз илгари сураётган лойиҳа ва ташаббусларни юзга чиқаришда, уларнинг эл-юртимизга фидойи раҳбар ва мутахассис, ҳақиқий шахс ва гражданд бўлиб шаклланишида бекиёс ўрин тутати.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, юрт истиқболли учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мard ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон фармони ва 2017 йил 21 ноябрдаги «Мард ўғлон» давлат мукофотини тасвир этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3402-сон қарорига асосан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва таълимга бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидаги фаолиятида

эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганларга «Ёшлар куни» арафасида ўтказиладиган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Мард ўғлон» давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Маъмур қарорининг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қ.Қ.Қуронбоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 июньЎзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 28 июндаги ПҚ-3816-сон қарорига илова

«Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Мамбетназаров Исламбек Муратбаевич – Қорақалпоғистон Республикаси сув спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг академик эшак эшиш бўйича мураббийи
Сагатов Сабура Бахтияр ули – Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги «Комсервис Шуманай» хуёсий

корхонаси директори
Мусабоев Шахризод Тўйчибек ўғли – Андижон вилояти Балқич туманидаги «Олтин ер хомоя» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
Холдаров Иқболжон Боходиржон ўғли – Андижон давлат университетининг 3-босқич талабаси

2

КУН НАФАСИ

2018 йил 29 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентини тугилган кунини билан самимий табриклаб, мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилади. Савдо, ишлаб чиқариш кооперацияси, энергетика соҳалари, самарали транспорт ва транзит коммуникацияларини ривожлантириш, шунингдек, маданий-туманитар йўналиш бўйича ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

Тошкент шаҳрида 2018 йил 28-29 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Ўн бешинчи ялпи мажлис давомида Сенат вазоклатларига кирадиган 23 та масала, шу жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самардорлигини таъминлашга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи 10 та қонун кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармони билан мазкур концепциянинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Ў.А.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат билан божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий принциплари белгилаб берилди.

Ў.А.

«Ўзбекистон давлат филармонияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

«Хуқуқий ахборот» канали

Жанубий Кореяда бўлиб ўтган «КОТРА 2018» – халқаро туризм кўргазмасида Ўзбекистон «Йилнинг энг яхши стенди» мукофотига муносиб кўрилди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот хизмати

Убайдулла Мингбоев Олий Мажлиси Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши раиси этиб тайинланди.

К.И.И.

2018 йил 2 июлдан янги намунадаги 50, 100, 200, 500 сўмлик тангалар муомалага чиқарилиши эълон қилинди. Эски намунадаги 50, 100 сўмлик тангалар ва банкнотлар 2019 йилнинг 1 июлига қадар, 200 ва 500 сўмлик банкнотлар 2020 йилнинг 1 июлига қадар муомалада қолади.

Daryo.uz



Марказий Осиё Ёшлар форуми

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ ФОРУМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё ёшларининг биринчи форуми ташкил этилди.

Ушбу тадбир глобаллашув жараёнида минтақа ёшларини турли ёт ғоя ва таъсирлардан асраш ҳамда уларни юксак маънавиятли инсонлар этиб қамолга етказишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлгани иштирокчилар томонидан зўр мамнуният билан эътироф этилди.

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИНИ, ДАСТУРЛАР НАТИЖАСИНИ ОДАМЛАР ЎЗ ҲАЁТИДА СЕЗИШИ КЕРАК

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишиш, ҳақ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 июнь кунини Тошкент шаҳар Олмазор уманида бўлди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Олмазор туманида ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий ижтимоий объектлар бунёд этиш, маҳалла ва турар жойларни обод қилиш, ҳудуд аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб тумандаги «Иброҳим ота» маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз шу йил 1 июнь кунини Чилонзор туманидаги Хирмонтепа ва Тирсақобод маҳаллаларига ташрифи чоғида «Обод маҳалла» дастури лойиҳасини

шакллантириш бўйича топшириқ берган эди. Шу асосда маҳаллалар киёфасини янгилаш мақсадида «Обод маҳалла» дастури қабул қилинди.

Ифохим ота маҳалласи ҳам мазкур дастурга киритилган.

Ушбу маҳалла ҳудудида 19 та икки қаватли ва 4 та тўрт қаватли уй жойлашган. Ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган мазкур уйлар бугунги кунда таъмирталаб бўлиб қолган. Муҳандислик-коммуникация тўрмоқлари ҳам эскирган.

«Обод маҳалла» дастурига мувофиқ, маҳаллада барча кўп қаватли уйлар, кўча ва йўаклар таъмирланиб, ҳудуд ободонлаштирилмоқда. 7 та икки қаватли арзон

уй-жой, замонавий мактабгача таълим муассасаси қурилмоқда. Шунингдек, намунавий лойиҳа асосида маҳалла гузари, коммунал тўловлар шохобчаси, болалар ва спорт майдончалари барпо этилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги маҳаллаларни ўрганиш борасида бошланган ишлар хусусида тўхталар экан, уйма-уй юриб, ҳар бир оиланинг талаб-истакларини ўрганиш, муаммоси бўлса ёрдам бериш, тадбиркорларни жалб этиб, иш ўринлари яратиш зарурлигини таъкидлади.

– Бу маҳалла одамларининг ҳам бола-чакаси, эртанги кундан умидлари бор. Мамлакатимиздаги ўзгаришларни, қабул қилинаётган дастурлар натижасини одамлар ўз уйида сезиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев. – Энг асосий мақсад, одамларни рози қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратишдир.

Президентимиз мазкур маҳалла фаоллари ва аҳоли билан суҳбатлашди. Аҳолини иш билан таъминлаш, мактабгача таълим ва мактаб таълимининг ривожлантириш, ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар моҳияти ҳақида мулоқот қилди. Самимий суҳбат чоғида «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» ва «Ёшлар – келажакимиз» дастурлари халқимиз фаровонлигини юксалтириш, ёшларни қўллаб-қувватлашда замин бўлиши таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 21 апрелида Олмазор туманига ташрифи давомида Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси негизда болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича топшириқлар берган, бу ишга Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки масъул этиб тайинланган эди.

2

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

41 Жонажон Ватанимизнинг янги киефасини яратишда ўз меҳнати, ташаббускорлиги ва маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлаётган азму шижоатли ёшларимиз учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти ҳамда «Келажак бунёдкори» медалини таъсис этганимиз ва бугун сизларнинг орангизда шу мукофотларнинг илк совриндорлари борлиги барчамизга мамнуният бағишлайди.

Ўтган бир йил мобайнида ўғил-қизларимиздан 266 нафари республика, 80 нафари халқаро фан олимпиадалари ғолиблари бўлгани, спортчиларимиздан 12 нафари жаҳон, 93 нафари Осиё чемпионатларида, 150 нафардан зиёди халқаро мусобақаларда юксак шохсупаларга кўтарилганини ана шундай эзгу ишларимизнинг дастлабки натижалари сифатида қабул қиламиз.

Ёшларимизнинг миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун таълим-тарбия соҳасида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мактабгача таълим муассасаларининг замонавий тизими яратилмоқда, умумтаълим мактабларида 11 йиллик таълим жорий этилмоқда. Олий таълим тизимида янги, замонавий билим масканлари, жумладан, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, соҳа фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда.

Юртимизда Темурубеклар харбий лицейлари, Мухаммад Хоразмий ва Мирзо Улугбек мактаблари, атоқли адибларимиз номидаги ижод мактаблари ташкил этилгани униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни буюк аждодларимизга муносиб авлод этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Биз бу борадаги ишларни келгусида ҳам албатта изчил давом эттирамиз. Хусусан, иқтидорли ёшларимизни дунёнинг энг етакчи университетлари, илмий марказларида давлат ҳомийлигида ўқитиш, малакасини ошириш бўйича самарали тизим яратиш – олдимизда турган муҳим вазифадир.

41 **Рахмонов Шерзод Толибович** – Бухоро вилояти Пешку туманидаги «Хамро Рахмон чорва» фермер хўжалиги бошлиги

Хайдаров Мухаммад Шамсиддин ўғли – «Хунарманд» уюшмасининг Бухоро вилояти Шофиркон тумани бўлими аъзоси, ёғоч ўймакор уста

Исроиллов Отабек Батирович – «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Жиззах темир йўл масофаси етакчи муҳандиси

Холитгитов Бехзод Мардибой ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм мутахассиси (Жиззах вилояти)

Абдусалимов Абдималик Боходир ўғли – Қашқадарё вилояти Якабгоҳ туманидаги 75-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Турсунов Жаҳонгир Юсуф ўғли – Республика дизайн коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Қашқадарё вилояти)

Гафоров Иброҳимжон Қобилжон ўғли – Навоий вилояти Кармана туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси

Қудратов Истам Сафар ўғли – «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси электротехниклари

Муродуллаев Сарварбек Жавлонбек ўғли – Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг 4-босқич талабаси

Юсупов Мухаммадхон Олим ўғли – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Республика ёш ижодкорлар Кенгаши етакчи мутахассиси (Наманган вилояти)

Аликов Камолжон Камтар ўғли – Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги «Регистон Камолжон» хусусий корхонаси раҳбари

Бахромов Илҳом Исмоил ўғли – Республика олимпиада захиралари коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

Каюмуҳаев Одиҳужа Икромхужа ўғли – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 4-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Хамдамов Жавлонбек Бахтиёр ўғли – Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Жалолов Баҳодир Исомиддин ўғли – Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси (Сурхондарё вилояти)

Тухташов Санжар Кароматович – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Термиш шаҳар ёнгин хавфсизлиги бўлими харбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми ёнгин ўчирувчиси

Сабриддинов Аслиддин Дилёрдин ўғли – Тошкент вилояти Паркент агросаноат ва сервис касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Султонов Отабек Қурбонбой ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Республика ихтисослаштирилган мусика ва санъат академик лицейи 3-босқич ўқувчиси (Тошкент вилояти)

Рустамов Ойбек Ровшанжон ўғли – Фарғона вилояти «Кўкон-1912» профессионал футбол клуби аъзоси

Хошимов Қобилжон Қосимжонович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси харбий қисм взвод командири (Фарғона вилояти)

Аллабергенов Зафар Улугбекович – Урганч давлат университетининг 1-босқич талабаси

Эгамбергенов Хасимбой Қудрат ўғли – Ўзбекистон Миллий университетининг 4-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Абдулбониев Жамшид Фозил ўғли – Тошкент шаҳар Олмазор тумани ички ишлар орангари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг 17-ИИБ профилактика инспектори

Шукров Ровшанбек Абдурахманович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ходими (Тошкент шаҳри)

Ёшларни, ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ҳам биз учун энг муҳим ва устувор йўналишга айланиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида Ёшлар уйларини барпо этиш дастури ҳаётга изчил жорий этилаётганини таъкидлаш лозим.

Қадрли ўғил-қизларим!

Бугунги байрам кунинда барчамизнинг умид ва ишончимиз бўлган сиз, азиз ёшларнинг эришган ютуқларингиз билан бирга янги вазифалар, ечимини кутиб турган камчилик ва муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида сўз юритишимиз табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон ёшлар иттифокининг навқирон йигит-қизлари иш билан таъминлаш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, фарзандларимиз ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаш лозим.

Афсуски, ёшларимиз ҳаётидаги катта-кичик ҳар бир муаммога жиддий қараб, аниқ амалий ечим топиш, ёшлар билан бевосита ишлаш, доимий мулоқот қилиш ўрнига дабдабали тadbирлар ўтказиш, кампаниябозликка берилишдек яроқсиз иш усулидан хали ҳам бутунлай қутулганимиз йўқ.

Шу нуктаи назардан қараганда, биз барчамиз эндигина бир йиллик шаклланиш йўлини босиб ўтган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тезроқ улгайиши, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий тизимида, ёшларимиз ҳаётида ўзининг мустақкам ва муносиб ўрнини топишини истаймиз ва бунинг учун зарур амалий ёрдам беришга тайёرمىз.

Балки бугунги қувончли айёмда бундай ноҳус ҳолатларни эслаш жоиз эмасдир. Лекин биз ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, муаммоларимизни ўзимиз бартараф этмасак, ҳеч қим четдан келиб уларни биз учун хал қилиб бермайди.

Ёшларимизнинг ҳаётини муаммоларига янада

кўпроқ эътибор қаратиш,ларга мос бўлган замонавий иш ўринларини ўйлайтириш, эзгу интилиш ва ташаббуслари, иновацион гояларини қўллаб-қувватлаш, ёш аюдимизнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш бундан буён ҳам барча даражадаги давлат идораларининг энг асосий, хал қилувчи вазифаси бўлиб қолади.

Ёшлар ўртасида тadbиркорликни кенг ривожлатириш учун Ёшлар тadbиркорлиги худудлари, Тошкент шаҳрида Ёшлар иновацион технопаркинни ташкил этиш, шуниндек, Фанлар академиясига қарашли илмий лабораториялар ва марказлар негизида ёш олимларнинг илмий тadbиркорларини йўлга қўйиш каби ишарни сизларнинг фаол иштирокнингиз билан яқин славжақда амалга оширамиз.

Куни кеча қабул қлинган «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастур доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида ташкил этилган махсус жамғарма мамлакатимиз иктисодиётида замонавий технологияларини қўллаш, ёшларни бу жараёнга кенг жалб этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Мухтарам юртдошлар!

Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга доир давлат қёсати ва унинг амалий натижалари жаҳон ҳажамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимиз томонидан бу борада илгари сурилаётган ташаббуслар, жумладан, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга муносабати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш борасидаги тadbирларимиз халқаро миқёсда қўллаб-қувватланмоқда.

Ҳаммамиз кўриб, кузатиб турибмиз – бугунги шиддат билан ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги уфқ ва имкониятлар очиб билади бирга, уларни илгари қўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор этмоқда.

Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик,

одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» каби таҳдидлар қанча-қанча оилалар, мамлакатлар бошига оғир қулфатлар олиб келмоқда, ғаразли қучлар хали онгу тафаккури тўла шаклланиб улгурмаган болаларни ўз ота-онаси, Ватанига қарши қўйиб, уларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда.

Шунинг учун биз – ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳлиқни янада ошириб, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, бу дунё ҳақиқатан ҳам кураш майдонига, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ эса бу курашнинг қуролга айланиб бораётганини чуқур англаб, шу борада жаҳолатга қарши маърифат асосида иш олиб боришимиз зарур.

Халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлили ва олижаноблик фазилатларидан келиб чиқиб, билим-билимай жиноятга қўл урган, тўғри йўлдан адашган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган ёшларни кечириб ва тинч ҳаётга қайтаришга юртимизда катта эътибор қаратилмоқда.

Ана шундай амалий ишларимиз туфайли юзлаб ёшлар – Ўзбекистон фуқаролари ота-онаси, оиласи бағрига қайтгани жамиятимизда соғлом ижтимоий муҳитни, инсонпарварлик тамойилларини мустақкамлаш йўлида муҳим кадам бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хурматли дўстлар!

Биз – барчамиз, қаерда бўлмайлик, ягона Ўзбекистон фарзандлари эканлигини англаб, шу буюк туйғунни эъзозлаб яшасак, албатта кам бўлмаймиз.

Шунинг учун биз чет элларда турли соҳаларда жиддий ютуқларга эришган ватандошларимиз ташаббуси билан «Буюк келажак» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти тузилганини қўллаб-қувватлаймиз. Хорижий давлатларда ўқиб, меҳнат қилаётган барча юртдошларимиз, биринчи навбатда ёшларимизнинг билими ва имкониятларини Ватанимиз равнақи йўлида биришатириш биз ўз олдимизда қўйган мақсадларга тўла жавоб беради.

Айни вақтда Ўзбекистон ёшларининг замон билан ҳамнафас бўлиб, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларидаги тенгдошлари билан самарали мулоқот, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиши ғоят муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Шу қунларда юртимизда бўлиб ўтаётган Марказий Осиё ёшлари форуми ана шундай кенг миқёсдаги мулоқот йўлида дастлабки жиддий қадамдир.

Азиз ёшлар, қадрли фарзандларим!

Мана шу қувончли кунда сизларни, кўпмиллатли Ўзбекистон халқини ишонтириб айтмоқчиман: биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъий билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни устувор вазифа сифатида бугун давр талаб қилаётган юксак даражада кўтарамиз. Сизларнинг замонавий билим ва касб-хунарларини эгаллаб, ҳаётда ўз мустақкам ўрнини топишингиз, бахтли бўлишингиз учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор қуч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Сиз, жондан азиз ўғил-қизларимиздан фақат битта илтимосимиз, битта тилагимиз бор: ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, халқимизнинг сизлардан кутаётган орзу-умидларини амалий ишлар билан рўёбга чиқариш йўлида ҳорманг, нарчаманг!

Ўқиб-ўрганиш, доимий изланиш, илм-фанга, таракқиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшаш доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Мен сизларнинг ҳар бирингизга эл-юртимиз фахрланадиган, жонажон Ўзбекистонимизнинг муносиб фарзанди, ҳақиқий инсон бўлиш бахти насиб этишини тилайман.

Сизларни Ёшлар куни билан яна бир бор саясий табриклаб, барчангизга янги ютуқлар, бахт ва омад тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ, ДАСТУРЛАР НАТИЖАСИНИ ОДАМЛАР ЎЗ ҲАЁТИДА СЕЗИШИ КЕРАК

41

Давлатимиз раҳбари туманга навбатдаги ташрифи доирасида ушбу корхонада бўлиб, бажарилган ишларни кўздан кечирди. Хусусан, фабрика худудидаги ишлаб чиқариш майдонларидан унумли фойдаланиш мақсадида, «NBU Investment» МЧЖ томонидан ташаббускор-инвесторлар билан биргаликда 5 та янги корхона («Toys City», «O'yinchoglar FabriKasi», «Funny Kids World», «National Products» ва «United Nation company» МЧЖ КК) ташкил этилди.

Ушбу корхоналарда болалар қийим-кечаги, турли буюмлар ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш бўйича 5 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳалар тўлиқ ишга тушганидан сўнг 920 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Хозирга келиб, лойиҳалар доирасида зарур бино-ишоотларни қуриш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, имзоланган импорт шартномалари бўйича асбоб-ускуналарнинг бир қисми келтирилиб, монтаж қилинмоқда. Ускуналарнинг қолган қисми июль ойи давомида етказиб берилади.

Бугунги кунда «Toys City» корхонаси ишга туширилган бўлиб, 70 га яқин маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилган. Хомашёнинг асосий қисми маҳаллий корхоналардан олинаётгани боис маҳсулотлар нархи хорижникидан анча арзон, сифати юқори.

– Ҳар бир ота-она фарзандининг жисмонан соғлом, дунёқараш кенг, юксак маънавий фазилатларга эга бўлиб улгайишини истайди. Бунда ўйинчоқларнинг аҳамияти катта, – деди Президентимиз. – Бу ерда ташкил этилаётган корхоналарда ишлаб чиқариладиган ўйинчоқлар сифати жиҳатидан хорижникидан кам бўлмаслиги керак.

Шу ерда Олмазор туманида ташкил этиладиган «Давлат хизматлари маркази» биноси қурилиш лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, оғир ижтимоий-маиший шароитларда яшовчи оилаларнинг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида уларни арзон уй-жой билан таъминлаш, тиббий хизмат, маиший техника ва уй хайвонлари харид қилишда бегараз ёрдам кўрсатишмоқда.

Ўзбекистон қарлар жамиятининг Олмазор туманида жойлашган Кар-соқовлар маданият маркази худудида ҳам кенг камровли ишлар бажарилиди. Даставвал, 6 гектардан иборат худуд ободонлаштирилди. Кар-соқовлар маданият маркази биноси тубдан таъмирланди, 450 ўринли концерт зали, тўғарақ хоналари, спорт заллари замонавий жиҳозланди.

Марказ ёнида Ўзбекистон қарлар жамияти спорт федерациясининг ёппас спорт зали бўлиб, ҳозирги кунда капитал таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Янги стадион барпо этилди.

Президентимиз маданият маркази биносида яратилган шароитларни кўздан кечирди. Жамият аъзолари билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга қаратилган эъ-

тибор, уларнинг муаммоларини хал қилиш бўйича кўрсатилаётган таъдбирлар ҳақида суҳбатлашди. Кар-соқов болалар учун ўқитувчи-мутахассислар ва суридоаржикчилар тайёрлаш долзарб масалалардан эканини таъкидлаб, аҳолининг маъзури қиллами саводхонлиги, тарбияси, ишлаш, дам олиш ва даволаш шартлоитларини яхшилашга қаратилган алоҳида қарор тайёрлаш бўйича топшириқ берди.

Шахмат бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Сирождидин Зайниддинов, таъкидлаб бўйича Осиё чемпионати совриндори Даврон Хидиров, ёш режиссёр Олег Ошиповга Тошкент шаҳридан уй, маданият маркази учун иккита автобус совға қилди.

– Биласизки, давлат халққа хизмат қилади, деган тамойилни ўзимизга мақсад қилиб олганмиз. Сизлар ҳам жамиятимизнинг муносиб аъзосисизлар. Ўзбекистондаги ҳар бир одам мен учун қадрли, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 11 июндаги «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида алоҳида тоифадаги тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб этишда янги имтиёзлар берилди.

Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон қарлар жамиятига қарашли худудда 3 та блокдан иборат саноат зонаси ташкил этилди. Бугун улардан бирида «Кўкча текстиль» масъулияти чекланган жамиятининг тикувчилик корхонаси иш бошлади.

Корхонада қарлар жамиятининг 27 аъзоси иш билан таъминланди. Уларга «Кўкча текстиль»нинг малакали ишчилари тикувчилик сирларини ўргатмоқда.

Президентимиз тикувчи аёллар билан суҳбатлашди. Амалга оширилаётган бундай ишлар изчил давом этишини, ногиронлиги бўлган шахслар учун иш жойлари ташкил этиш доимий эътиборда бўлишини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Олмазор туманидаги 2-ички ишлар бўлими билан танишиди.

Маъзури ички ишлар бўлими Шифокорлар, Жийдали, Хислат, Беруний, Мирза Ғолиб ва Чингачай Октепа маҳаллалари худудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фаолият олиб боради.

Бўлимда навбатчилик қисми, тергов, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят-қидирув, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекторлари, хорижга чиқиш-қириш ва фуқаролиқни расмийлаштириш ходими ҳамда маҳалла профилактика инспектори самарали ишлаш учун барча шароит яратилган.

Ички ишлар бўлими замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Навбатчилик қисмига видеокузатув тизими жорий этилган бўлиб, худудни туну кун назорат қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқаролар хавфсизлиги ва оқоийшталарини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Туман худудидаги жамоат объектларига ўрнатилган интеллектуал камералар қидирувда бўлган фуқароларнинг юз тасвири, ўтирилган автомобиллар давлат рақамлиги маъзури навбатчилик қисмига юборилди. Бу ердаги видеокузатув тизими ИИБ маълумотлар базасига уланган бўлиб, шубҳали шахс ҳақида бўлимга сигнал беради.

Худудда қўл қаватли уйлар, олий таълим муассасалари, шифохоналар, жоём масжидлари, дехқон бозори ва бошқа ижтимоий объектлар талайгина бўлиб, бўлим барча жойда вазиятни кузатиб бориш, зарур ҳолларда зудлик билан қарорлар қўриш, оқоийшталарини таъминлаш имконини беради.

Президентимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи оранглар мутасаддилари билан суҳбатда аҳоли оқоийшталарини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан эканини таъкидлади. Жамиятда маънавий муҳит барқарорлигини асраш, ёшлар диний оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олиш, халқимиз оқоийшталарини мустақкамлаш, жиноятчиликка қарши муросасиз курашиш бўйича кўрсатмалар берилди.

– Фуқаролар, айниқса, ёшларнинг нотўғри йўлларга кириб кетиш сабаблари, жиноятчиликни келтириб чиқараётган асосий омилларни ўрганувчи, аниқловчи, таҳлил қилувчи мутахассисларга эътиёб юқори. Одамларни диний оқимлардан қайтарувчи ҳақиқий психолог мутахассислар етишмайди. Жиноятнинг тағига етдилган, уни аниқлайдиган методик қўлланмалар бугун сув ва хаводек зарур, – деди давлатимиз раҳбари. – Бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш учун Давлат хавфсизлик хизмати ҳузурида дин соҳасида чуқур билимли мутахассислар тайёрлайдиган, Бош прокуратура ҳузурида криминалистика, яъни жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганадиган марказлар ташкил этиш пайти келди.

Шу ерда давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳар ИИББ қўриқлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, пост-патруль хизматларига ажратилган авто-мототранспорт воситалари, кўмака пост кабинаси намуналарини кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Ёшлар марказида Олмазор туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид лойиҳалар билан танишиди.

Олмазор туманининг янги маркази – «Olmazor city»ни барпо этиш лойиҳаси тақдироти ўтказилди. Янги Олмазор кўчаси ва Кичик халқа йўли ўртасидаги 24 гектардан зиёд худудда барпо этиладиган ушбу мавзеда маъмурий бинолар, қўл қаватли уйлар, замонавий бизнес марказ, меҳмонхона ва хиёбон, таълим ва тиббиёт муассасалари қуриш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани маъқуллади.

Ёшлар билан ишлаш, саноат ва туризмни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди. Тумандаги бўш турган биноларни инвентаризациядан ўтказиш, хорижий инвести-

циялар ва технологиялар олиб келиш, янги иш ўринлари яратиш зарурлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳар Ёшлар марказида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳар фаоллари, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Туман кўпгина кўрсаткичлар бўйича ривожланишдан орқада қолаётгани танқид қилинди. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳридаги ўртача кўрсаткичдан 2 баробар, хизмат кўрсатиш кўлами 3 баробар қамлиги қайд этилди.

Мажбур имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ишламаётган заводларни тиклаш, янги корхоналар ташкил этиш, тadbиркорлик ва хизмат кўрсатишнинг ривожлантириш ҳисобидан одамларга даромад манбан яратиш зарурлиги таъкидланди.

Оилаларни мустақкамлаш, аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштиришга оид кўрсатмалар берилди. Хусусан, тўй-ҳашамолар, оилавий тadbирлар ва маъракаларни исрофгарчиликларсиз, ихчам қилиб ўтказиш бўйича маҳалла раисларига тавсиялар берилди. Туманнинг ҳар бир маҳалласида биттадан, жами 58 та намунали тўй ўтказиш ва уларни телевидение ва матбуотда кенг тарғиб қилиш вазифаси топширилди.

Дунё аҳолисининг қарийб 20 фоизини ёшлар ташкил этади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 60 фоиздан ошади. Ёшлар давлатимизнинг бебаҳо бойлиғидир. Мамлакатимизда ёшларга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилиб, улар учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Бунга жавобан ёшларимиз ҳам ишлаб чиқариш, фан, таълим, маданият, санъат, спорт, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа соҳаларда юксак натижаларни қўлга қиритмоқда.

Йиғилишда ёшлар ўз тақлиф ва ташаббусларини билдирди. Президентимиз ёшларнинг тақлиф-мулоҳазаларини ўрганиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берди. Талабалар шаҳарчасида қўшмача ётоқхоналар, спорт майдончалари қуриш лозимлиги қайд этилди.

– Энг олий незмат – бу тинчликдир. Оила тинч бўлса – жамият, юрт тинч бўлади. Шундай экан, тинчлигимизни асраб-авайлаб, халқимизга садоқат билан хизмат қилсак, албатта натижа бўлади, – деди Президентимиз.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни турли ёт гоялардан асраш мақсадида диний-маърифий соҳалардаги ташкилий-амалий, маданий-маънавий тadbирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини янада ошириш, жумладан, «Олмазор туманида адашганлар бўлмайди» шиори остида ҳамда «Жаҳолатга қарши – маърифат билан» ғояси асосида тарғибот тadbирларини ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
М.ЭЛМУРОДОВ,
А.ГАФОРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари



«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла»
дастурларини амалга ошириш
ислохотларимиз ичида энг муҳим
ўринлардан бирини эгаллайди.
Чунки биз халқимиз олдида улар-
нинг муаммоларини ҳал этиш, тур-
муш шароити ва ҳаёти сифатини
яхшилашга бурчлимиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ОДАМЛАР ҲАЁТДАН БУГУН РОЗИ БЎЛСИН...

Бунинг учун «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини
барчамиз ўз вақтида ва ҳамжиҳатликда амалга оширишимиз зарур

Хар бир инсон орзу билан тирик. Умид ҳаётнинг тирсаги. Барчамиз яхши
яшасак, орзуларимиз рўёбига тоғас, бахтли ҳаёт кечирсак, дейимиз. Шу
йўлда меҳнат қиламиз. Уларнинг натижасини, ниятларимиз ижобати-
тини тез фурсатларда кўрсатиш керак. Шундай бўлганда эса ҳаётдан рози
бўламиз, эртанги кунга умидимиз ошади, меҳнатга ишқоқимиз юксалади.
Мамлакатимизда бугун амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий
йўналиши ҳам айтиш мумкин — инсон манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёт-
ини кўтаришга қаратилган. 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури
тўғрисидаги Президент фармонида мувофиқ қабул қилинган «Обод қишлоқ»
дастури, унда белгиланган режалар бунинг ёрқин инъикосидир.
Бир эътибор беринг-а! Айни вақтда ушбу дастурга буюн 159 та ту-
мандаги 386 та қишлоқда қўрилиш-ободонлаштириш ишлари олиб бори-
моқда. Шу билан бирга минглаб юрtdошларимизнинг ишлар давомида тўн-
ланиб қолган муаммолари ечим топмоқда.

Муаммолар ҳануз ечим кутмоқда

Наманган вилоятида 11 та тумандан 22 та МФЙ «Обод қишлоқ» дастурига ки-
ритилган. Ушбу ҳудудларда 18 551 та хонадонда 100 882 нафар аҳоли истиқо-
мат қилади. Демакки, шунча юрtdошимиз қалбида ободонлик иштиёқи алан-
галанмоқда.

Бирок... Асосан аҳолининг ўз кучи ва маб-
лагига таянган ҳолда амалга оширилаёт-
ган бўла-таъмирлаш ишларини ҳисобга ол-
маганда, мутасадди ташкилотлар иштирокида ҳал
бўлувчи муаммолар ҳануз ўз ечимини кутиб ту-
рибди. Ҳақиқий муаммоларни ҳал этиш ўрнига ко-
тоқ мисол бир-бирига ошираётган мутасаддилар
ҳам учраб турибди. Хусусан, Президент қарориди
назарда тутилган «қишлоқ аҳоли пунктларида қури-
лиш ва ободонлаштириш ишларини бажариш учун
маҳаллий қурилиш материаллари, буюмлари ва
жиҳозларини етказиб бериш учун жойларда савдо
шоҳбачалари — корхоналарнинг фирма дўконлари ва
филиалларини комплекс тарзда ташкил этиш» маса-
ласи деярли бажарилмади. Натигада қурилиш учун
кераклик ашёлар бозор нархида (яъни устига қўйил-
ган нархда) сотиб олинмоқда.

Қишлоқда чинқисин йиғиш пунктларини барпо этиб,
тезисини равишда чиқиндиларни йиғиш, олиб кетиш
ва утилизация қилиш ишлари ташкил этишга алоҳида
кўрсатма берилгани ҳолда, қишлоқ кўчалари юзига ҳа-
нуз ўқошмишчилик билан чиқиндилар ташкил этил-
моқда. Уни олиб кетувчи ташкилот эса қишлоққа етиб
боришга келганда, негадир оқсаяпти.

Хўш, бу масалалар ҳам секинлик билан ҳал эти-
лар... Аслида таъмирланмаган уйлари таъмирланди,
деб ёзишни ҳам бириктирилган ташкилотларнинг
локайлигини йўлиш мумкин... Бирок бу ишлар

бошидан аниқ режа, пухта ва муҳкам ўйлов натижа-
сида амалга оширилганда, бугунги манзара бутунлай
бошқача бўлармиди?
Норин туманидаги «Қоратери» МФЙдаги.
Маҳалла раиси Холмамат Мўминов ҳудудда бажари-
ладиган ишлар ҳаётини билан таништирди. МФЙ ҳу-
дудига киришнинг билан намунавий тилдаги котеж-
ларга кўзингиз тушади, ўнг тарафда эса хонадон эга-
лари ҳам уй қўрилиши замонийлаштирилган.
Газ тармоғидан узилган қишлоқда газ баллон билан
таъминланиш масаласи охирига қалар ҳал этилмаган.
Сув масаласи ҳам ўзига ҳос тарзда ташкил этилган.
5340 кишилик аҳоли ер ости сувиини тортиб чиқариш.
Хатто, саккиз мингдан ошми аҳолига хизмат қилувчи
ҚВПда ҳам тиббий мақсадлар учун мазкур сувдан
тўғридан-тўғри фойдаланилади. МФЙ ҳудудидида ўз-
бекистон кўчаси аҳолини ичимлик суви билан таъмин-
лаш мақсадида полигителен қувурлар ётқизилди, би-
рок янги скважина қуриш ҳам, сув минорасини барпо
этиш ҳам ҳануз орта суримлоқда. Сабабини сўрасан-
гиз, «пул тушириб берилмади», деган кескагина жа-
воб оласиз.

Айтишларича, Қоратерида хайрли ишларга 22 та
ташкilot бош қўшмоқда. Шу тумандаги «Қўшче»
МФЙда 18 ташкilotнинг ҳамкорлиги тасдиқлангани
ҳолда 14 ташкilot имкон қалар юмушларни урдалаш-
моқда. Ишларки, ҳаминқалар...

Дастурга кирган 22 та қишлоқда яшовчиларда

бу шароитларга муносиблик кайфиятини уйғо-
тиш, боқимандаликка барҳам бериш, юкори тур-
муш даражасини яраш йўлида шахсий даромади-
нини ошириш каби йўналишларда ҳам тизимли
ишлар йўлга қўйилдики, бу ислохотларнинг ҳу-
жажатсиз эмас, давомлантилган, асосий мақсад
юкори самарадорлик эҳсанликлан далолат. Зеро,
эҳтижманларга балиқ эмас, балиқ тутиш сирини
ўргатиш афзал эмасми?
Қўпқаватли уйларида таъмирлаш ишларини бажар-
ган бир қурилиш-таъмирлаш корхонаси раҳбари эса
ғалати воқеани сўзлаб берди:
— Дастурга тушган қишлоқда ипсизлар сони кўп
экан, ақсариёти эркаклар. Уларга қурилиш ташки-
лотимизга ишга кириб таъмирлашда қатнашинлар,
даромадга эга бўласизлар — десам, пулини олган-
мисизлар, ўзингиз ишланг, дейишди. Бунисига ҳам
қўнқик, кечқурун дам олиб сахарда иш бошламсоқки
бўлиб кайтиб борсак, томини ёпиш учун ишлатишга
муъжалланган тўсилик ва рейкаларни ўғирлаб ке-
тишди. Қулишни ҳам, қўйишни ҳам билмайсан
киши...

Ислохотнинг асл мақсади, бу, авваламбор на-
тижа, одамлар розилиги, ҳаёт фаровонлигидир.
Бирок бу ниятга факат ростлик йўли билан, ма-
салага астойдил ёндашибгина эришилади. Чунки
шағал ётқизилиб, левор бўйлини хали ободлик
дегани эмас. Ободлик учун ўйин ўзгартирмоқ, ма-
суулиятини ҳис этмок керак. Ана шундагина биз
кутган натижа бўлади.

Дилдора РАҲМОНОВА
«ISHONCH»



Андижон вилоятидаги 50 та
маҳалла «Обод қишлоқ» дас-
турига кирилган бўлиб, бу
шунча ҳудудда қишлоқлар қиё-
фаси тўбдан ўзгаради, йўл-транс-
порт, муҳандислик-коммуника-
ция инфратузилмаси барпо эти-
лади, ижтимоий соҳа объектлари
замон талаблари даражасида
қад ростлайди, деганидир. Энг
муҳими, минглаб хонадонларда
одамларнинг ҳаёт тарзи, турмуш
маданияти юксалади.

КИМ уйғоқ, мудроқ?

ОКТЕПА-ЛИКЛАР ОРЗУСИ
УШАЛМОҚДА

Олтинқўл туманининг Октепа
маҳалласи ҳудудига 851 онла ис-
тикомат қилади. Мавжуд 532 та хо-
надоннинг ақсариёти қисми томорқа-
дан мақсадли ва самарали фойда-
ланиш эвазига қўшимча даромад
манбага эга. Асосийи, ҳудудда
бирдамлик, тотувлик бор. Шун-
дан бўлса керак, бугун октепа-
ликлар «Обод қишлоқ» дастури дои-
расидаги сайё-ҳаракатларга баҳоли
қудрат хисса қўйишга интилоқда-
лар.

— Маҳалламизда шағал ётқи-
ладиган ҳамда асфальт қилинадиган
5 километр ички ва ҳўжаликлараро
йўллар мавжуд, — дейди МФЙ раиси
Гулнора Ҳошимирзаева. — Ҳозирча
2 километр қисмига шағал ётқи-
зилиб, текисланди. Ишлар жалал
олиб бориляпти. Битта трансформа-
тор ўрнатилиши, 25 та эски симёғоч
янгиланиши белгиланган эди. Бу
йўналишдаги юмушлар ақсариёти
моқда. Сув қудуғи барпо этилиб, 12
километр узунлида қувурлар тор-
тилади. Газ таъминоти яхшилаш
бўлиб кайтиб борсак, томини ёпиш
учун ишлатишга муъжалланган тўси-
лик ва рейкаларни ўғирлаб ке-
тишди. Қулишни ҳам, қўйишни ҳам
билмайсан киши...

Дастур баҳона ижтимоий химоя-
га муҳтож одамларни ҳар тарафлама
қўллаб-қувватлаш, манфаатларини
химоя қилишга алоҳида эътибор қа-
ратилмоқда. Айни пайтда 16 та кам
таъминланган оила рўйхатга олинган.
Мазкур ҳудуд секторига туман ички
ишлар бўлими бошлиғи раҳбарлик
қилади. У хонадонма-хонадон юриб,
кам таъминланган утга оилага ман-
сий техника жиҳозлари олиб бери-
лишига эришиди.

Мазкур тоифадаги хонадон-
ларни эҳтиёжманд оилалар сафи-
дан чиқаришга эътибор қулайди.
Ишчи гуруҳлари томонидан хона-
донларнинг тўла хатловни ўтқизи-
либ, ҳар бирининг имконияти ва
эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда
тадбиркорлик билан шуғулланиш
салоҳияти ўрганилди. Сектор раҳ-
барининг тасвираси асосида кре-
дит ажратилиб, тадбиркорлигини
ривожлантириш таклифи қўла-
б-қувватланмоқда.

Октепа дехкон бозори
узок-яқиндан келган соғувчи ва ха-

ридорлар учун қулайликларга эга.
Томорқадан янада самарали фойда-
ланишни йўлга қўйиш, иссиқхона-
лар барпо этиш орқали бир йилда уч
мартга ҳосил олиб, бу орқали фаро-
вонлиқни таъминлаш имконияти
катта. Дастур ижроси доирасида шу
жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қа-
ратилаётир.

Йил охиригача маҳалла аҳли
учун замонавий масжид, дехкон бо-
зорига ёндош майдонда автомобил-
лар қўйиш жойи барпо этилади.

ҲАФСАЛАСИЗЛИКНИ
ЁКИ ЛОҚАЙЛИКНИ?

Булоқбоши туманидаги Юкса-
лиш, Буюк Турон маҳаллаларида
ҳам «Обод қишлоқ» дастурида
қўлда тутилган вазифалар амалга
оширилган экан, деган гап барчани
бирдек мамнун
этиди. Одамлар
«Қишлоқимиз
яшариб, бағри-
мизга шомол те-
галиган бўлди»,
дея гурурланиб
қўйишди. Би-
рок ўлда-жўлда
тарзда олиб бори-
лаётган сайё-ҳа-
ракатлар қўчи-
ликни хайрон қолдирмоқда.

Юксалиш маҳалласида
вакити-бемаҳал чироқ ўчавериб
асабларга ўйнарди. 400 метрлик
масофага электр тармоғи торти-
лади, 120 та эски симёғоч замона-
вийсига алмаштирилди, деган ре-
жийни мутасаддилар негадир орқага
суришяпти. Ҳафсаласизликми ёки
бунинг замирида биз билмаган яна
бошқа сабаб борми?

16 километрдан зиёд қўчаларга
шағал ётқизиш зарур. Қачон бошла-
нади? Бу ҳам сирлигина қолипти. Ҳу-
дудда 140 та кам таъминланган ои-
лалардан ўнгасининг уй-жойлари
ҳомийлар ёрдамида таъмирланиши
керак эди. Аммо негадир сабоиб ишга
қўл ураман, дейдиганларни қўзғата-
диган одам топилмапти. Айни қури-
лиш қиламан, дейдиган қўлай фурсат
бой бериляпти.

Маҳаллада умумий узунлиги
4 километр узунлидаги арик-зо-
вурлар тозаланмаса бўлмайди.
Четдан биров келиб килиб бер-
майдик-ку, ахир!? Ишбошларда
ташкilotчилик, маҳалла аҳлида

уюшқоқлик етишмаяпти.
Туманининг Буюк Турон маҳал-
ласида, хартуғул, айтишга арзи-
гулик ишлар бор. Қўп қаватли
уйларда таъмирлаш ишлари ри-
соладагидек бажарилди. Томлар
тунука билан ёпишди. Қўчаларни
кенгайтириш, асфальтлаш, ички
йўлларни шағаллаш, симёғоч-
ларни алмаштириш ишлари давом
этмоқда. Аммо Окибат кўчасига
бурилсангиз, «Хайрли ишларга
рағбат, оқибат борми?» деб юбор-
гингиз келади. Бир пайтлар хашар
йўли билан асфальтланган кўча
бугун ўқир-чўқир бўлиб ётибди.
Маҳалла аҳлини қўйлаб келётган
яна бир муаммо борки, ҳал этиш-
нинг имкони топилмапти.

— Бизга яқин ҳудудда харбий

қисм жойлаш-
ган, — дейди
маҳалла фа-
оли Абдура-
сул Хайла-
ров. — Салкам
1,5 километр
узунлида ка-
на л и з а ц и я
кувурининг
этаги маҳалла
ўртасида на-
оқиб ётати-
ган катта ариқа тумали. Атрофини
қўланса хид тутиб кетяпти. Эколо-
гия бузиляпти. Тоza хавонинг кадри
билинляпти. Бир қатор идораларга
мурожаатлар қилавериш чарчадик.
Тури чиқиндиларга тўла ариқадаги
сув чорва хайвонларига бериляпти,
томорқаларга қараб оқияпти. Бо-
ла-бақра билиб-билиб чўмилиб
қўйса, нима бўлади, билмаймиз...

Мамлакат миқёсида амалга оши-
рилиётган «Обод қишлоқ» дастурида
белгиланган ишлар халқимизнинг на-
фақат эртаси, бугунги ҳам чироили бў-
лиши учун қилинаётган сайё-ҳара-
катларидир. Бунинг ҳаммаимиз биламиз.
Бир жойда белли бўлса, ишлар ба-
дастир урдаланипти, айрим маҳал-
ларда «тошбака юриш» билан
сусткашликка йўл қўйилляпти. И-
тайимки, фаровон турмуш яратиш
йўлидаги ишлар ҳамма жойда биро-
ридан келса...

Нурилло НУЪМОНОВ
«ISHONCH»



Хоразм вилоятининг Урганч тумани Чо-
лиш шаҳарчасида Президентимизнинг
2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ»
дастури тўғрисидаги Фармонида муво-
фиқ бунёдкорлик ишлари олиб бори-
лмоқда.

Вилоятда биринчилардан бўлиб «Обод
қишлоқ» дастури асосида янгиланиш-
лар бу ҳудуддан бошланганда катта-ю
кичикнинг боши қўлдан етганлиги ҳам бел-
гис эмас.

Дастурга кўра, 9,1 километр таъмирталаб
кўчаларга тош (ШПС) ётқизиш, 5 километр
узунлида электр ҳаво линияларини таъмир-
лаш, мавжуд 14 та трансформатор подстанция-
ларини таъмирлаш, 2 та трансформатор под-
станцияларини қайта қуриш, 15 та таъин усту-
нларини ўрнатиш, ичимлик суви таъминоти
яхшилаш мақсадида 8,5 километр ичимлик сув
қувурларини ўтказиш белгиланган. Шунинг-
дек, 120 та хонадон томига шифер қоплаш, 919 та
хонадоннинг ташки қисми таъмирланиши
зарур...

Хўш, вазифалар қай

ДАРАЖАДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН?

Дастлаб ютуқларга тўғталсак: 14 та транс-
форматорнинг барчаси таъмирланиб, 15 та ўр-
нига 31 та таъин устуналари ўрнатилган.

Энди қўнғилини хира қилувчи баъзи рақам-
ларни тила олиб ўтамиз. Мавсум бошидан
бери кўчаларнинг 9,1 ўрнига 2,6 километрга
тош ётқизилган. 5 километр ўрнига 2,2 кило-
метр узунлида электр ҳаво линиялари таъ-
мирланган, 2 та трансформатор подстанция-
сининг 1 таси қайта қурилган. 8,5 километр
эмас, 1,2 километр узунлидаги сув қуву-
рлари ётқизилган. 919 та хонадоннинг 670 та-
сида ташки таъмирланиш амалга оширилган.
274 та хонадоннинг қурилмаларининг 207 таси
бартараф этилган. 120 та хонадоннинг 5 тасида
том шиферланган. Негадир бажарилган ишлар-

дан кўра, бажарилмаган ишларнинг салмоғи
кўпроқ. Ваҳоланки, чопишларик масканлар-
нинг фаровон, обод, барча шароитлари мавжуд
кептта айлантиришни жуда истамади. Аммо
бунга аҳолининг ўз имконияти етмайди. Ичим-
лик суви, электр энергияси каби заруратларни
давлат ҳомийлиги ва қўмағисиз амалга оши-
риш ларғумон.

К.Отаниёзов номли маҳалла мутахассиси
Тамара Усмонова таъбири билан айтганда, Чо-
лишда рўй бераётган, кутилганидан кичик бўл-
са-да, ўзгаришлар шахарликлар руҳиятини
кўтарган. Муҳими, юрtdошларимиз ободлик
ҳар бир хонадондан бошланишини ҳис қил-
дилар. Чироили турмуш
кемда рағбат уйғотмайди
дейсиз?! Уйлар олдидаги
гуллар кўзни яшнатиб ту-
рибди, томорқаларда пи-
либ етилаётган саба-
во-у полиз маҳсулотлари
барвақил. Боғларда пеш
пишгани пеш узилаётган
ўри-у охўри, одамлар
мазасини айтмайсизми?

Узок йиллар ўқитувчи
бўлиб ишлаган Сотинбой
ота Ибрагимов мамлакатимизда таълим тиз-
мига қаратилаётган эътибордан жуда мамнун.
Худуддаги иккита мактаб қиёфаси ҳам тўбдан
янгиланган, МТМда иш қизғин кетмоқда. Бозор
инфратузилмасини яхшилаш мақсадида янги
савдо мажмуаси, сартарошхона, этиқдўзлик
устахонаси, ҳаммом, тикувчилик цехи, хунар-
мандчилик устахонаси, новояхона қурилиши
бошланган. Иш унумдорлигини таъминлаш
учун қишлоқ марказида қурувчилар учун па-
латкалар қурилган, қўлай шароит яратилган.

Буларнинг барчаси яхши, албатта. Лекин
аҳолининг барча эҳтиёжларини тўлиқ ўра-
ниш, дастурнинг барча бандлари бекам-у кўст
бажарилаётганини назорат қилиш зарурати
мавжудга ўқшайди.

Маълум бўлишча, Ҳоразм маҳалласиди
жойлашган иккита мактаб, мактабга таълим
муассасаси, ҚВП биноси К.Отаниёзов номли
маҳалла аҳлига узоқлик қилади. Айниқса, бо-
лардан, балзи ўқувчилар мактабга 30-35 дақиқа
пийда йўл юриб келишади. Катта йўлдан тран-
спортлар тўхтамай ўтади. Шунингдек, К.Отани-
ёзов маҳалласидидаги мактабга таълим
муассасасига эҳтиёж катта. Бонси, бу ерда 300
та янги боғча ёшларга бо-
ларлар ўқаймоқда.

Тоza ичимлик суви билан
таъминлаш бораси-
даги ишлар суръати ко-
ниқарсиз. Ҳудуд аҳоли-
сига сулғитилган га-
егазиб берилаётгани билан
киш мавсумига тай-
ёрларик қўрилмаган. Уй-
ларни иситиш, қўмир за-
ҳирасини гамлаш анча
олдиндан тайёрларликки
ота Ибрагимов мамлакатимизда таълим тиз-
мига қаратилаётган эътибордан жуда мамнун.
Худуддаги иккита мактаб қиёфаси ҳам тўбдан
янгиланган, МТМда иш қизғин кетмоқда. Бозор
инфратузилмасини яхшилаш мақсадида янги
савдо мажмуаси, сартарошхона, этиқдўзлик
устахонаси, ҳаммом, тикувчилик цехи, хунар-
мандчилик устахонаси, новояхона қурилиши
бошланган. Иш унумдорлигини таъминлаш
учун қишлоқ марказида қурувчилар учун па-
латкалар қурилган, қўлай шароит яратилган.

Узок йиллар ўқитувчи

бўлиб ишлаган Сотинбой

ота Ибрагимов мамлакатимизда таълим тиз-

мига қаратилаётган эътибордан жуда мамнун.

Худуддаги иккита мактаб қиёфаси ҳам тўбдан

янгиланган, МТМда иш қизғин кетмоқда. Бозор

инфратузилмасини яхшилаш мақсадида янги

савдо мажмуаси, сартарошхона, этиқдўзлик

устахонаси, ҳаммом, тикувчилик цехи, хунар-

Электр энергияси таъминоти, ичимлик су-
вини яхшилаш, газ қувурларини таъмирлаш
борасида ҳам қатор ишлар амалга оширил-
моқда.

Одамлар билан суҳбат асосида жара-
ёларнинг суст давом этаётганидан норози
эканликларини сезилди. Қўпқаватли уйлари
атрофидаги ноқонуний қурилмалар бузил-
ганига анча бўлди, ташки қисми таъмир-
ланмоқда. Бирок чиқиндиларни олиб ке-
тишга ҳеч ким шойишмаяпти. Ҳудудда
яшовчи болакайларнинг бу ерда ўйнашлари
хавотирли. Устига устак, ҳар кун кўтари-
лаётган қуюқ чанг соғлиққа зарар.

Маълумотларга кўра, Қумравотда мав-
сум бошидан бери 1,3 километр узунлида сув
қувурлари ётқизилган. Яна 2,1 километр қуву-
рларни янгиллаш белгиланган. Бирок сув қуви-
ри учун йўл чеплари қийин, иш тўхтаган. Нега
эканини аҳоли билмайди, мутасаддилардан ва-
зиятга ойдинлик киритиш бўйича сўровларга
эса жавоб йўқ.

«Суюнчи» фильмидаги Анзират буви
қўлбола кўприк қурдиргани ёдингизми?
Қумравотдаги ўқир-чўқир йўллардан юра-
ла қалар тугамаган. Қўтарилаётган чанг эса

шунча меҳнатни эос қилмоқда, фасадларни яна
таъмирталаб ҳолга туширмоқда.
Бундан ташқари, маҳалла гузарни, кутуб-
хона учун қачон ер ажратилиб, қачон қури-
лиш ишлари бошланиши номалум. Аҳоли-
нинг маънавий дам олпиш, болалар бўш вақт-
ларда спорт билан шуғулланишлари учун ҳам
шароитлар яратилиши лозим. Албатта, мута-
саддилардан бу борада муайян чора-тадбирлар
қўрилиётганини эшитдик. Бирок шунчаки гап
билан ишлантириш замони ўтди. Энди аниқ иш
ва натижа керак.

гина бериш тўғри эмасми?

— Ишлар қилинляпти, аммо суръат жуда
суст! — дейди ўша ерда яшовчи Амина опа Ота-
ева. — Қаранг, кўчаимиздаги уйлариинг деярли
хаммасининг ташки қисми таъмирланган. Би-
рок йўлларнинг таъмирланиш жараёни ха-
лига қалар тугамаган. Қўтарилаётган чанг эса



шунча меҳнатни эос қилмоқда, фасадларни яна
таъмирталаб ҳолга туширмоқда.

Бундан ташқари, маҳалла гузарни, кутуб-
хона учун қачон ер ажратилиб, қачон қури-
лиш ишлари бошланиши номалум. Аҳоли-
нинг маънавий дам олпиш, болалар бўш вақт-
ларда спорт билан шуғулланишлари учун ҳам
шароитлар яратилиши лозим. Албатта, мута-
саддилардан бу борада муайян чора-тадбирлар
қўрилиётганини эшитдик. Бирок шунчаки гап
билан ишлантириш замони ўтди. Энди аниқ иш
ва натижа керак.

БАРЧА БАНДИМИ?

Жорий йилининг 1 апрель ҳолатига кўра,
Қумравот маҳалласида 46 нафар фуқаро илгиз
сифатида қайд қилинган. Аҳоли бандлигини таъ-
минлашда тижорат банктари таклиф қилиётган
имтиёзли кредитлар қўл келмоқда. Раҳима опа

Макаримова, Бектурди Саъдуллаевлар имтиёзли
кредит асосида ўз ишларини бошлашди. Эҳти-
ёжмандлар рўйхатида турувчи Рашид Зарипов
уйининг томи хоналар қўмағида шиферланди.
Қиз Дилфуза Зарипова ҳамда келини Фотима
Сотимова жамоатчилик асосида иш билан таъ-
минланди.

Аммо гуруҳ қурмакис бўлмагани каби бу
борада ҳам ишлар раван эмас. 7

Анжуман

Энди фақат муносиблар талаба бўлади(ми?)

Давлат тест маркази томонидан 2017 йил 16 ноябрдаги «Республика олий таълим муассасалари бакалавриятига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент қарори ижроси бўйича амалга оширилган тест синовига тайёргарлик тўғрисида учинчи мартаба ўтказилган матбуот анжуманида бу йилги имтиҳонларнинг қай тарзда бўлиши, абитуриентни рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳамда имтиҳон вақтида ноҳақликка йўл қўймаслик мақсадда кўрилган эҳтиёт чоралари хусусида сўз юритилди.

Тадбирда Олий таълим муассасаларининг бакалавр босқичига 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб тест синовлари жараёнининг очик ва холис ўтказилишини таъминлаш мақсадида имтиҳон ўтказиладиган ҳар бир бино ҳудудига шахсни идентификациялаш воситалари, видеофиксация курилмалари, видео камералари ҳамда абитуриентларнинг ота-оналари кутуш жойларида жараёни тўғридан-тўғри кузатиб туришлари учун мониторинглар ўрнатиш белгиланган таъкидланди.

– Жорий йилдан абитуриентлар имтиҳон шартларини 6 банддан иборат йўриқнома орқали билиб олишлари мумкин, – дейди

Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи Севара Зурпархўжаева.

– Давлат тест марказининг расмий dtm.uz сайти орқали барча зарур маълумотларни олиши, қайси йўналишга қанча одам ҳужжат топширганлини, шу билан бирга, фанлар бўйича қайси мавзудан қанча савол тушуниши кузатиши, сайтдаги синов тестларидан фойдаланиб ўз билимларини текшириб кўришлари учун имконият яратилган.

Анжуманда ОАВ вакилларининг мавзу доирасидаги саволларига марказ ходимлари томонидан атрофлича жавоб берилди.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
«Ishonch» мухбири

Хоразмда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган биричи халқаро турнир бўлиб ўтмоқда.

– Гарчи кураш кўп минг йиллик тарихга эга бўлса-да, истиклол туфайлигина жаҳон миқёсидаги спорт турларидан бирига айланди, – дейди Республика кураш федерацияси Хоразм вилояти бўлими ижрочи директори Раҳимбой Шерзонов.

Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда дунёнинг 129 та мамлакатда кураш федерациялари фаолият кўрсатаётир. 1992 йилдан буён 500 дан ортиқ халқаро турнир, жаҳон ва китъа чемпионатлари ўтказилиб, уларда 300 нафардан ортиқ ҳамюртларимиз зафар кучишган. Бу галги мусобақаларнинг нуфузи янада баланд бўлиб, унда 20 га яқин мамлакатдан 200 нафардан ортиқ

номдор полвонлар иштирок этмоқда. Ғолиблар етти ван тоифасида аниқланади. Тўрт вазнда эркаклар, уч вазнда аёллар беллашади. Синовларнинг асосий совринларига мамлакатимиздан 42 нафар курашчи даъвогарлик килмоқда. Улар орасида мезбон вилоятнинг 7 нафар полвони бор.

Халқаро турнирнинг биринчи кунинда Хоразм Маъмур академиясида семинар-тренинг ташкил килинди. Унда адабиётшунос ҳамда



Халқаро турнир

хикоялар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

– Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларига ҳурматим баланд, – дейди Қозоғистон кураш федерацияси раиси Баҳром Мўминов. – Бугунги анжуман билимларимни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Маърузаларни ҳайрат ва мамнуният билан тингладим.

Анжумандан сўнг меҳмон-у мезбонлар Ичан қалъада бўлиб, Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини зиёрат қилдилар. Мақбара олдида хоразмлик ёш полвонларнинг кўргазмали чиқишлари уюштирилди.

Хива зиёратидан улкан рухий-маънавий қувват олган полвонлар бугундан Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун майдонга чиқадилар. Урганчдаги «Ёшлик» спорт мажмуаси мусобақаларга мезбонлик қилади.

Мухаббат ТЎРАБОВА,
«Ishonch» мухбири

Эълонлар

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Пенсия олиш тартиби билан боғлиқ саволлар ҳамisha одамлар эътиборини жалб қилиб келган. Айниқса, бу борадаги қонунчиликка киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалардан хабардор бўлиш кўпчиликни қизиқтиради. Тахририятимизга муштариолар томонидан пенсия таъминотида оид бир қанча саволлар йўлланган. Ушбу саволларга Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Бекобод тумани бўлим бошлиғи Саиджон Холбеков жавоб берди.

Пенсия ҳақида 4 маълумот

Умуман иш стажига эга бўлмаган фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқига эгами?
Шавкат ЭШҚОБИЛОВ.
Яккасарой тумани

Умуман иш стажига эга бўлмаган фуқаролар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига асосан пенсия олиш ҳуқуқига эга эмас. Амалдаги қонунчиликка асосан фуқаро учун камида 7 йил, яъни 84 ой иш ҳақи ҳисобланган ва сугурта бадаллари тўланган бўлиши лозим.

Шифокорлар меҳнат фаолиятини давом эттирган тақдирда пенсия миқдорини тўлиқ оладими?
Кўпайсин БОЙБЕКОВ.
Зомин тумани

Жорий йилдан бошлаб шифокорлар иш фаолиятини давом эттирган тақдирда пенсия миқдорини тўлиқ олади. Бироқ бу қонда ҳамшира ва бошқа ёрдамчи тиббиёт ходимлари учун мустасно.

Пилла қурти боксан фуқароларнинг маъмурий меҳнати иш стажига қирадими?
Наргиз РАСУЛОВА.
Балиқчи тумани

«Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига асосан жорий йилдан бошлаб пилла қурти боксан фуқаролар бокши даври учун сугурта бадаллари тўлаган тақдирда тўлиқ бир йил иш стажига эга бўлади.

Фуқароларнинг пенсияга чиқиш ёши ўзгарди?
Жамила ЙЎЛДШЕВА.
Сирдарё вилояти

Амалдаги қонунчиликка асосан фуқароларнинг пенсияга чиқиш ёши ўзгаргани йўқ: Эркаклар 60 ёш ва 25 йил, аёллар эса 55 ёш ҳамда 20 йил меҳнат стаж билан пенсияга чиқиши мумкин.

Фурқат ХОЛИҚУЛОВ
тайёрлади

Оғуға ўрин йўқ

Мамлакатимиз мустақилликнинг илк йиллариданоқ наркобизнесга қарши кураш йўлида барча зарурий чораларни кўриб келмоқда. Ўзбекистон 1995 йилнинг февраль ойида БМТнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларининг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисида 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги Конвенцияларига қўшилди.

1,6 тоннадан зиёд гиёҳванд моддалар йўқ қилинди



Бугунги кунда Ўзбекистон гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ таҳдидга қарши курашда мавжуд барча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий имкониятлардан фойдаланмоқда.

26 июнь – Халқаро гиёҳвандликка ва гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кун муносабати билан халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан наркобизнесга қарши курашши доирасида мусодара қилинган гиёҳвандлик воситаларининг наватдаги тўпламини йўқ қилиш тадбирини ўтказди.

Ушбу тадбирда мамлакатдаги дипломатик корпуслар, БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти вакиллари, ОАВ ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир иштирокчиларига тезкор ходимлар гиёҳванд моддаларни аниқлаш жараёни кўрсатиб берилди. Шундан сўнг йиғилганлар кўз ўнгига 15 килограмм 619 грамм героин, 1 тонна 1 килограмм 688 грамм опий, 98 килограмм 733 грамм

гашниш, 406 килограмм 234 грамм марихуана, 55 килограмм 60 грамм кўкнори, 1,4 грамдан ортиқ янги турдаги психофаол воситалар («Спайс» ва бошқалар) ҳамда 27 килограмм 472 грамм каннабис ва психотроп моддалар ёқиб юборилди.

Қайд этилишича, гиёҳвандлик воситаларини етиштиришда жаҳонда биринчи ўринларда турадиган давлатлардан саналадиган Афғонистон билан чегарадошлик Ўзбекистондаги нарковазияга салбий таъсир кўрсатмоқда. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, 2017 йилда Афғонистонда кўкнори етиштирилган майдонлар 328 минг гектарни (2016 йилда 201 минг гектар), ишлаб чиқарилган опий миқдори 9000 тоннани (2016 йилда 4800 тонна) ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига кўра, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 2017 йилда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ 5429 та жиноят қош этилган. Ўтган йилда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни амалга оширганлиги учун ушланган шахсларнинг 45 нафари чет эл фуқароларини ташкил этиб, улардан 18 нафари Афғонистон, 14 нафари Тожикистон, 8 нафари Қозоғистон ҳамда 2 нафари Россия фуқароларидир. Улардан 267,7 килограмм гиёҳвандлик воситалари, 516 та психотроп таблеткалар мусодара қилинган.

Нарзулла МАҲАМОВ

Аукцион савдолари хабарномаси «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти такрорий аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига «Бухорогазсаноатқурилиш» АЖ «Нефтьгазавтотрансхизмат» унитар корхонасининг 2018 йил 22 июндаги 20-02/309-сонли буюртма-хатига асосан корхона ҳисобидан қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

1 лот. 1991 йилда и/ч. ГБАСНГ ЗИЛ-431610 русумли, д/р 80/7230АА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 862 274 сўм

2 лот. 1993 йилда и/ч. ГБАСНГ ЗИЛ-431410 русумли, д/р 80/4480АА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 928 438 сўм

3 лот. 1994 йилда и/ч. ЗИЛ-431412 русумли, д/р 80/7480АА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 045 962 сўм

4 лот. 1993 йилда и/ч. ГБАСНГ УАЗ русумли, д/р 80/7250АА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 978 646 сўм

Аукцион савдолари 2018 йил 17 июль кунини соат 14:00да Бухоро шаҳри Ҳофиз Ташкилотининг 28-уйда бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагиди талабгорлар диктантга!

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотиш шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотиш шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагиди талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар Аукцион ташкилотининг томонидан Бухоро шаҳри Ҳофиз Ташкилотининг 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб Аукцион савдосида ўтказилиш белгиланган санаси кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагиди бўлган талабгорлардан:

– Аукцион ташкилотининг билан тузилган закатал пули тўғрисидаги қелишув шартномасига асосан мулк бошланғич

баҳосининг 10 фоизи миқдориди закатал пулларини тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устали нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Заказал тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 305300366, МФО: 00115, «Қишлоққурилишбанк»нинг Бухоро минтақавий филиали, х/р: 20208000300842711002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун Аукцион ташкилотининг – «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамиятининг манзил ва телефони: Бухоро шаҳри, Ҳофиз Ташкилотининг 28-уй (2-қават). Тел.: (+99899) 350-75-05. E-mail: bas_savdo@mail.ru.

Гувоҳнома № 576174.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

1.Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қибрай» ШФЙ ҳудудига феолатгай юртаётган «MARG'UBA-NUR» МЧЖ балансидаги жами 10,86 га, шундан 5,0 га ер майдонида жойлашган «Богзор», бошланғич баҳоси – 11 000 000 сўм.

Очик аукцион савдолари 2018 йил 30 июль кунини соат 15:00 да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда бўлиб ўтади. Мазкур объектлар сотилиш тақдирда такрорий аукцион савдоси 2018 йилнинг 15-22 август кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган объектларни жойига бориб кўрсатиш талабгор ҳисобидан сотувчининг вакили томонидан амалга оширилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини бийдирган шахслар «Заказал пули тўғрисидаги қелишувни» имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисоб рақамига, «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиали, х/р: 202080000804876496001 МФО: 01101, СТИР: 301 743 808, тўлашлари лозим. Шунингдек, риэлторлик хизматларининг миллий

станданти (2-сон РХМС)га асосан, талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдориди шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашувчи учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй, 2-қаватда қабул қилинади ва савдолардан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади ва такрорий савдолар учун савдолардан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олиш мумкин.


Хизматлар лицензияланган RR – №0008.

ТУЗАТИШ

«BEST LINE REALTOR» МЧЖ томонидан «Ishonch» газетасининг 28.06.2018 йилдаги № 76 (4049)-сонлида чоп этилган эълонидидаги аукцион савдолари 2018 йил 30 июль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади деган жумла 2018 йил 13 июль кунини соат 14:00 да бўлиб ўтади ва Буюртманомаларни қабул қилиш охириги муддати: 2018 йил 12 июль кунини 18:00 да тўхтатилади, деб ўқилин.

Мазкур мулклар 2018 йил 13 июль кунини ўтказиладиган очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2018 йил 20 ва 27 июль кунлари соат 14:00да ўтказилиши олдиндан маълум қилинган.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир:
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ – 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терийди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахрират ҳисоб рақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Iproteka bank» Янгибод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-91) 268-92-32
Андижон – (+998-91) 475-23-60
Бухоро – (+998-93) 653-50-81
Жиззах – (+998-91) 943-67-44
Наманган – (+998-90) 260-50-77
Навоий – (+998-93) 314-13-03
Самарқанд – (+998-97) 915-50-87
Сирдарё – (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё – (+998-91) 233-69-07
Фарғона – (+998-90) 991-55-71
Хоразм – (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё – (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Т. Шернаев
Навбатчи:
Н. Маҳамов
Мусаххас:
З. Исмомов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдулжалилов
Босишга топшириш вақти – 04:30
Топшириш вақти – 04:50
12346
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Г – 609.
29561 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133